ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 132 (9.782) 2002 йил 8 ноябрь, жума ◆ Сотувда эркин нархда

БУНЁДКОРЛИК

Пойтахтимизда кейинги йилларда қурилаётган замонавий, осмонўпар, кўрганда кўз қувнайдиган турар жой, маъмурий ҳамда кўплаб шу каби муҳташам бинолар нафақат бугунимиз, балки келажак авлодларга ҳам хизмат қилади. Бу бинолар қўли гул бунёдкорларимизнинг маҳорат ва тажрибалари самарасидир.

Мирзо Улуғбек туманидаги Қаюмов ҳамда Махатма Ганди кўчалари чорраҳаси ёнида қад ростлаётган Банклар ассоциациясининг замонавий ўқув маркази биноси ҳам тез кунларда фойдаланишга топширилади.

Замонавий лойиҳалар асосида

Ўзбекистон Республикаси Банклар ассоциацияси буюртмаси бўйича «Тошгипрогор» институтининг моҳир мутахассислари лойиҳаси асосида қурилаётган икки қаватли мазкур илмий-текшириш ўқув марказининг бош пудратчиси «Туронмарказқурилиш» акционерлик жамиятидир. Ушбу қурилиш ташкилотининг ғайрат-шижоатли бунёдкорлари юртимиздаги муҳташам Оқсарой қароргоҳи, Темурийлар тарихи Давлат музейи, Дўрмон қароргоҳи, Ўзбекистон Давлат консерваторияси ва бошқа кўплаб замонавий ва кўркам бинолар қурилишларида ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшишган.

Қаюмов кўчасида жойлашган Ўзбекистон Республикаси Банклар ассоциациясининг банк-молия академияси биноси бир асрдан бери қад ростлаб турибди. Аммо мазкур бинонинг ўзига хос меъморий ечими ҳали-ҳануз ўз жозибаси-ю тароватини йўқотмаган. Буюртмачи талабига кўра лойиҳа институти мутахассислари Банк-молия академиясининг янги қурилаётган ўқув марказининг лойиҳасида ҳам юқоридаги талаблардан келиб чиққан ҳолда замонавийликни уйғунлаштирмоқдалар.

— Бино қурилишида ишлатилаётган қурилиш материалларининг сифати унинг кўркамлилиги ҳамда мустаҳкам бўлишига катта ҳисса бўлади, — дейди иш юритувчи Евгений Базаров. — Шунинг учун ҳам ғиштларни Қувасой ғишт заводидан келтирмоқдамиз. Шу кунга қадар қурилишда 1 миллиард 200 минг сўмлик иш бажарилди.

Бинонинг чиройли ва замонавий тарзда қад кўтаришида моҳир усталар — бригадир Абдушариф Машарипов, ғишт терувчилардан Исмоил Юсупов ва бошқаларнинг ҳиссаси катта бўлмоқда.

— Ўқув маркази ертўла қисмининг юқорисида 120 кишига мўлжалланган кутубхона, каттагина ошхона ҳамда кийимхона жойлашиши кўзда тутилган бўлиб, марказ талабалари учун кўпгина қулайликлар яратади, — дейди қурилиш бошлиғи



Рустам Зокиров. — Биринчи қаватдаги фойеда фаввора, ўн иккита ўқув хоналари жой олиб, уларга 250 та замонавий компьютерлар ўрнатилади.

Мазкур бинонинг иккинчи қаватидан иш юритиш ва маъмурият хоналари ҳамда 300 ўринга мўлжалланган мажлислар зали ўрин олади. Марказ ҳовлисидаги йўлаклар бошида фавворалар барпо қилинади. Йўлаклар атрофига яшил чим ётқизилиб, атроф кўкаламзорлаштирилади. Лойиҳада автомобиллар тўхташ жойи ҳам кўзда тутилган.

Мазкур илмий-текшириш ўқув марказини қурувчилар Наврўз байрамигача топшириш ниятидалар.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

СУРАТЛАРДА: «Туронмахсускурилиш» акционерлик жамияти ишбошиси Дониёр Аймуҳамедов; бинонинг умумий кўриниши.

Сергей Любчич олган суратлар.

Президент маърузасини ўрганишга бағишланди

Тошкент шаҳар ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис тўққизинчи сессиясидаги маърузасидан келиб чиқадиган устувор вазифаларни амалга оширишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишда ушбу маърузанинг юрт мустақиллиги негизида миллий истиқлол ғоясини пухта ўрганиш, бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш, инсон ҳуқуқларини ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимиз фаровонлиги йўлида халқимизнинг онгу тафаккурида бурилиш ясаш каби жиҳатлари жамиятимиз тараққиёти учун айниқса, муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

Бу борадаги ишларни янада жонлантириш, турли маърифий тадбирларда юзакичилик ва кампаниябозликка йўл қўймаслик зарурлиги алоҳида қайд этилди.

(ЎзА)

* * *

Яккасарой тумани ҳокимлиги ва республика «Маънавият ва маърифат» маркази ҳамкорлигида демократик ўзгаришларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишларини ўрганишга бағишланган фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Президентимизнинг Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясидаги маърузасида белгиланган устувор йўналишларни амалга ошириш вазифалари муҳокама қилинди.

Республика «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари ўринбосари С.Олимов, Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари А.Аҳмедов, республика Маънавият ва маърифат Кенгаши аъзоси, халқаро шарҳловчи Қ.Каримбеков, Яккасарой тумани ҳокими М.Йўлдошевлар Президент маърузаси мазмун-моҳиятини аҳоли кенг қатламлари орасида тушунтириш, унда белгилаб берилган мақсад ва вазифаларни бажариш йўл-йўриқлари ҳақида гапирдилар.

Тошкент Давлат юридик институти ҳузурида инсон ҳуқуқлари бўйича клиника — талабалар маркази очилди. Мазкур марказ АҚШ Давлат департаментининг демократия, инсон ҳуқуқлари ва меҳнат масалалари бўйича бошқармаси тақдим этган грант асосида Марказий Европа ва Евроосиё ҳуқуқий ташаббус лойиҳаси ҳамда Тошкент Давлат юридик институти ҳамкорлигида ташкил этилди.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ТАЛАБАЛАР МАРКАЗИ

Марказий Осиёда ўхшаши йўқ бўлган ушбу талабалар марказини ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад — ёшларга инсон ҳуқуқлари ва ҳуқуқий ҳимоя кўникмаларидан сабоқ беришдир. Ўз навбатида, талабалар Ўзбекистон фуқароларига инсон ҳуқуқлари бўйича бепул ҳуқуқий ёрдам кўрсатади. Шунингдек, институтнинг юқори босқич талабалари профессор-ўқитувчилар ҳамда малакали ҳуқуқшунослар кузатуви остида аҳолининг кам таъминланган қатламига инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича ҳуқуқий маслаҳатлар беради. Ушбу муассаса клиника талабалари ва мижозлари манфаатини ҳисобга олган ҳолда инсон ҳуқуқлари бўйича бошқа халқаро ва миллий ташкилотлар билан ҳамкорликда иш олиб боради.

Бу йил институтнинг 17 нафар талабаси клиника ўқув дастурлари бўйича сабоқ олади. Улар биринчи семестр давридаёқ инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ва миллий андозалардаги тренингларда иштирок этади ва келгуси йилнинг февраль ойидан бошлаб эҳтиёжманд фуқароларга инсон ҳуқуқлари бўйича маслаҳатлар бера бошлайди.

Марказнинг очилиш маросимида Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази директори А.Саидов, АҚШ Давлат котиби ўринбосари Л.Крейнер, АҚШнинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ж.Хёрбст иштирок этди.

(ЎзА).

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсаройда Франция Ташқи ишлар вазирлиги давлат котиби Рено Музельени қабул қилди.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига Франция Республикаси Президенти Жак Ширакдан Франция билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш ниятлари изҳор этилган дўстлик ва бирдамлик мактуби келди.

● Корея Республикаси Президентининг махсус вакили, тижорат, саноат ва энергетика вазири Шин Кук Хван раҳбарлигидаги делегация вакиллари Ташқи ишлар вазирлигида ҳамда Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида бўлдилар.

● Вазирлар Маҳкамасининг Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

● **Кеча** Олий Мажлиснинг Ёшлар ишлари қўмитасида бўлиб ўтган «Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатларида қарияларни ижтимоий муҳофаза қилишга оид талабларнинг ижроси» мавзуидаги давра суҳбатида Қарияларни қадрлаш йилида уларни ижтимоий ҳимоялаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўз борди.

● **Кеча** Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Убай Орифов номидаги Электроника институтида хорижий олимлар иштирокида физикавий электроника бўйича навбатдаги 3-республика анжумани ўз ишини бошлади.

● **Бугун** Тошкентда «Шошилинч тиббий ёрдамни ташкил қилишнинг долзарб муаммолари: шикастланишлар ва уларнинг тиббий-ижтимоий оқибатлари» мавзуида иккинчи республика илмий-амалий анжумани ўз ишини бошлади.

● Республика «Маҳалла» хайрия жамғармасида маҳалла педагог-тарбиячиларининг малакасини оширишга бағишланган ўқув семинари бўлиб ўтди.

● **Бугун** пойтахтимизда Марказий Осиё минтақавий экологик маркази бошқарувчилар кенгашининг йиғилиши ўз ишини ниҳоясига етказди.

● Тошкентда «Тошмаргёғ» ва «Янгийўлёғмой» очиқ турдаги акционерлик жамиятларининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

● **Бугун** республикамиз пойтахтида ҳаво ўзгариб турди. Кундузи ҳаво ҳарорати 10-12 даража илиқ бўлди.

Жаҳонда

● БМТ Бош котиби Кофи Аннан шу ой охирларига қадар Босния, Хорватия ва Югославияга ташриф буюради.

● АҚШда ўтказилган губернаторлар сайловида республикачилар партияси вакиллари ғалаба қозондилар. Мазкур партия айни пайтда Конгрессда ҳам, Сенатда ҳам устунликка эришди.

● Москва прокуратураси «Норд-Ост» Театр мажмуида гаровга олиш оқибатида ҳаётдан кўз юмганларнинг рўйхатини эълон қилди. Расмий маълумотларга кўра, ҳалок бўлганларнинг умумий сони 128 кишини ташкил қилмоқда. Улардан 120 нафари россиялик, қолганлари эса чет эл фуқароларидир.

● Македония парламенти Бранко Црвенковский раҳбарлигидаги янги ҳукумат таркибини тасдиқлади.

● Расмий Москва Лондондан Буюк Британияда яшаётган россиялик бизнесмен Борис Березовскийнинг берилишини сўради. Чунки у катта миқдордаги молиявий жиноятларда айбланаётган бўлиб, уни ҳибсга олиш учун халқаро қидирув эълон қилинди.

● Ўтган кундан бошлаб Украина ўзининг 225 та «Х-22» русумли қанотли ракеталарини йўқ қилишни бошлади.

Камолот

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими Кенгашининг саҳифаси

КОНСТИТУЦИЯМИЗ ЯШАМОҚДА ВА АМАЛ ҚИЛМОҚДА

БОШ ҚОМУС ВА ЁШЛАР

Бош қонунимиз — Конституциянинг жамиятимиздаги ўрни, аҳамияти, маъно-мазмуни ва моҳиятини ўрганиш ёш авлоднинг ҳуқуқий онги, тафаккури ва маданиятини тўғри шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 4 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойиши халқ таълими тизимида муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаётир.

Фармойишга кўра Конституцияни ўрганиш мактабгача таълим муассасаларида уч босқичда — ўрта ёш (3-4 ёш), катта ёш (4-5 ёш) ва мактабга тайёргарлик даври (6-7 ёш)дан амалга оширилмоқда. Бош қомусимизни ўрганишга йўналтирилган машғулотлар болалар боғчаларида «Конституция сабоқлари» деб номланади. Дастурнинг асосий мақсади болаларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда улар онгида давлатимиз рамзлари, Конституция ва қонунлар тўғрисидаги илк тасаввурни уйғотишдан иборатдир.

Умумий таълим мактабларининг 1-9-синфларида эса табақалаштирилган ҳолда Конституцияни ўрганиш йўлга қўйилган. Масалан, бошланғич (1-4) синфларида «Конституция алифбоси» бўйича ҳар бир синфда «Она тили», «Одобнома», «Атрофимиздаги олам», «Уқиш» каби предметлар таркибида билим берилади. 5-7 синфларда эса «Конституция оламига саёҳат» деб номланувчи мустақил курс сифатида ўрганилади.

Ўзбекистон Конституциясидан сабоқ берувчи ўқитувчилар ва тарбиячилар малакасини ошириш мунтазам равишда ва аниқ режа асосида олиб борилаётгани эътиборга моликдир. Ушбу фаннинг пухта ва мукаммал ўқитишда дарсдан ташқари ташкил этилаётган машғулотлар, кўрик-танловлар, учрашувларнинг аҳамияти ҳам катта бўлмоқда.

Таълим муассасаларида Конституциямизни ўқитишга тайёргарлик жараёнида ўқувчиларга ушбу фанга қизиқишни янада ошириш мақсадида «Сиз қонунни биласизми?», «Сиз Ўзбекистон Конституциясини биласизми?», «Президент асарларининг билимдони», «Конституция — бахтимиз пойдевори» мавзуларидаги кўрик-танловларга барча ўқувчилар кенг жалб этиляпти.

Шунингдек, умумтаълим мактабларида «Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари» фани билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини ўрганиш курси ўқув жадвалига киритилган.

(ЎзА).

ЁШЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ

Орзулари ойдин қиз

Жамиятимиз таянчи ёшлар. Уларнинг жисмонан соғлом ва руҳан баркамол бўлиб вояга етишлари эртамизни белгилайди. Давлатимиз томонидан уларнинг пухта билим олишлари, ўз иқтидорларини намоён этишлари, ҳунарли, эл корига ярайдиган инсонлар қаторидан ўрин олишлари учун барча имкониятлар яратилмоқда. Умидли, истеъдодли, илмга чанқоқ ёшларимиз эса бу эътибор ва ғамхўрликдан ҳам руҳан, ҳам жисмонан куч олиб тенгдошларига намуна бўлмоқдалар, илм чўққилари сари интилиб, қатор хорижий давлатларда таҳсил олиб Ўзбекистон номини дунёга танитмоқдалар.

Тошкент Давлат Иқтисодиёт университети қошидаги академик лицейнинг II-курс талабаси Назокатхон Иброҳимова ҳам илмга чанқоқлиги, зукколиги, иқтидори ва истеъдоди билан тенгдошларига намуна бўлиб келаётган ёшларимиз сирасига киради.

Ақли тийрак ва бийрон тилли қизалоқ Назокатхон А.Икромов туманидаги 483-боғчага борган пайтиданоқ боғча қошидаги «Ғунча» ансамблида, етти ёшидан Ўзтелерадиокомпания қошидаги «Булбулча» болалар хор ва рақс ансамблига қатнаша бошлади. 1996 йилдан бошлаб Болалар ва ўсмирлар учун бериладиган «Сеҳрли мўйқалам» кўрсатувида бошловчи бўлиб, унинг рангбаранг ва қизиқарли бўлишига ўзининг ҳиссасини қўшди. Бундан ташқари «Ўзбек миллий рақс» йўналиши бўйича 2 йил рақс сирларини ўрганди ва аъло даражали диплом билан билим юртини тугаллади. Шу билан бирга 197-мактабнинг 9-синфини фақат аъло баҳоларга тамомлади. Ёшлигидан санъатга бўлган қизиқиши туфайли мактабда «Назокат» ҳаваскорлар ансамблини ташкил қилди. 30 га яқин иштирокчини ўз ичига олган ушбу ансамбль қизлари туманда ўтказиладиган барча байрамларда миллий ва қардош халқларнинг гўзал рақслари ва дилрабо куй-қўшиқлари билан кўнгилларни хушнуд қилишар эди. Бир неча бор туман ва шаҳар миқёсида ўтказилган «Илҳом чашмалари» кўрик-танловларида ғолибликни қўлга киритишган.

Назокатхон фақат санъат билан чекланиб қолган эмас. У келгусида яхши иқтисодчи бўлиб мустақил Ўзбекистоннинг гуллаб-яшнашига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқчи. У шундай ниятлар билан Тошкент давлат иқтисодиёт университети қошидаги академик-лицейга ҳужжатларини топширди ва ҳозирда ушбу лицейнинг II-курсида аъло баҳоларга ўқимоқда. У яхши ўқиш билан бирга жамоат ишларида ҳам фаол, талабалар томонидан ўтказиладиган барча тадбирларда бош-қош, ташкилотчи. Лицейда ташкил қилинган «Камолот» Ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти раисининг ўринбосари, ўзи истиқомат қилаётган маҳалланинг «Ёшлар билан ишлаш комиссияси» раиси ўринбосари сифатида фаолият кўрсатмоқда. Бу тўғрида Назокатхоннинг гуруҳ раҳбари Сайёра Турдиева ҳам фахр билан шундай дейди: «Назокатхон ўқув машғулотларига жиддий ёндошади, инглиз тили ва компьютерни чуқур ўзлаштиришга ҳаракат қилади. У шоира, рақҳоса, рақс саҳналаштирувчи, қўшиқчи, фаол жамоатчи. Тенгдошларидан билимдонлиги, зукколиги ва ҳозиржавоблиги билан ажралиб туради. Истеъдодли қизимиздан умидимиз катта, ахир ёшлар суянган тоғларимиз, Юртбошимиз таъбирлари билан айтганда улар бизнинг бойлигимиз, ишончимиз ва таянчимиздир.

Тиниб-тинчимас, ёшлик ғайрати билан астойдил ўқиб, ўрганиб, изланаётган Назокатхондан келгуси режалар ҳақида сўраганимизда, «Орзуим келажаги буюк Ўзбекистонимизга содиқ фарзанд бўлиш, унинг равнақи, энг ривожланган давлатлар қаторидан тезроқ ўрин олиши йўлида хизмат қилиш, етук мутахассис бўлиб иқтисодиётимиз ривожига ҳисса қўшиш деган жавобни олдик.

Биз ҳам оппоқ орзулар қанотида юрган Назокатхонга омад ва зафарлар тилаймиз. Юрти учун, она Ватанининг гуллаб-яшнаши учун ўзининг муносиб ҳиссасини қўшишга чоғланаётган қалби олов ёшлар сафи тобора ортаверсин.

Шоира МУҲАМЕДОВА

СУРАТДА: Тошкент Давлат иқтисодиёт университети қошидаги академик лицейнинг аълочи ва фаол талабаси Назокатхон Иброҳимова.

Ёшларимизнинг маънавий-маърифий жиҳатдан юксалишлари, уларнинг турли соҳалар бўйича билимларини оширишда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими қошидаги «Бунёдкор» телеклубида ўтказилаётган учрашувлар, мулоқотлар, давра суҳбатлари ва семинарларнинг ўзига хос ўрни бор. Куйида ушбу телеклубда кейинги пайтларда амалга оширилган ишлар тўғрисида маълумот берамиз.

«Бунёдкор» телеклуби янгиликлари

• «Бунёдкор» ёшлар телеклубининг журналистика гуруҳи «Матбуотимизда пайдо бўлаётган нашрларнинг савияси» мавзусида тадбир ўтказди. Тадбир давомида ёшларни қизиқтирган саволлларга Тўлқин Эшбек ҳамда Турсунали Акбаров каби етакчи журналистлар жавоб қайтаришди.

• «Internews-Ўзбекистон» нодавлат ва нотижорат ташкилотининг ҳуқуқшуноси журналист Карим Баҳриев телеклуб ёш журналист ва ҳуқуқшунослари билан учрашувда матбуот эркинлиги тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашди. Жумладан, мулоқот чоғида цензурага чек қўйилганидан сўнг журналистлар ўзларига берилган ушбу имкониятдан қай даражада фойдаланишаётганлиги хусусида мулоҳазали гаплар айтилди.

• Кулоллар сулоласининг вакили Акбар Раҳимов билан ёшлар ўртасида қизиқарли мулоқот ташкил этилди. Унда ёшлар қадимий миллий ҳунарларимиз ичида энг сараларидан бири ҳисобланмиш кулолчилик сирлари, ушбу касбнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида атрофлича маълумотга эга бўлишди.

• Физика-математика фанлари доктори, профессор олим Абдумажид Пўлатов билан телеклубда ўтказилган учрашув ҳам ёшларда катта таассурот қолдирди. Абдумажид ака ёшларга айни пайтда компьютерларнинг ўзбекча версияларини яратиш бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида маълумот берди. Ушбу муҳим йўналишга иқтидорли ёшларимиз жалб этилса мақсадга мувофиқ бўлиши ҳақида фикрлар билдирилди.

• «Юнисеф» ташкилоти, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Тошкент шаҳар бўлими, UNAIDS ташкилотларининг ҳомийлигида ва «Ўзбегим таронаси» радиосининг ахборот кўмагида уч кун давомида «ОИТС ва гиёвандликнинг олдини олиш борасида ёшлар дастури» мавзусида семинар бўлиб ўтди. Унинг қатнашчилари бўлмиш касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва олий ўқув юртларининг талабалари келгусида ўз ўқув масканларида ҳам ушбу мавзуда семинарлар ўтказишлари мумкин.

(Ўз мухбиримиз)

МУЛОҲАЗА

«Дискотека» маданият масканими?

Келажагимиз, бугунимиз, эртамиз — ёшлар. Умидимиз, суянчимиз —ёшлар деган гапларни жуда кўп айтамиз. Уларнинг яхши ўқишлари учун барча имкониятларни, шарт-шароитларни яратиб берамиз. Лекин ҳар доим ҳам улар бизнинг ишончимизни оқлашга ҳаракат қиляптиларми? Уларнинг, айниқса қизларнинг юриш-туришидан ота-оналар бехабар қолмаяптиларми?

Нега биз емай-едириб, киймай-кийдириб катта қилган фарзандларимиз баъзи ҳолларда бошимизни эгиб қўяяптилар. Қачон биз тарбияда оқсадик экан...

Қариндошимиз ўғлини уйлантириши муносабати билан тўйга бордик. Тўйхонага ёнма-ён жойлашган бинода ёшларнинг қандайдир байрами ўтказилаётган экан. Қулоқни қоматга келтириб янграётган алламбало чет эл мусиқасига ёшлар шундай бемаъни ҳаттиҳаракатлар билан ўйин тушишардики...

Аста разм соламан. Аксарият қизлар ярим яланғоч, «энг сўнгги мода»да кийинишган. Уларнинг кўпчилиги талаба эканлигини билиб олиш қийин эмас. Қизиқ, ўғил-қизларининг ярим кечагача кўчадан келмаслиги ота-оналарни ташвишга солмайдими. Ярим тунгача кўчада юрган талаба эрталаб дарсга етиб бора оладими? Ёки бундай дискотекаларнинг «маликаси»га айланиб қолган қизлар ён-атрофларидаги тенгдошларига таъсир ўтказмайдими?

Биз «Шарқ — маданият ўчоғи» деб ғурур билан гапирамиз. Маданиятимиз деганда нимани тушунамиз ахир? Бехаё суратлар босилган чет эл журнал ва газеталарининг, кассета дўконларидаги олди-кўчди фильмларнинг маданиятимизга таъсири бўлмаяптими ахир?

Ёшлар билан мунтазам иш олиб бораётган «Камолот»чилар мана шу нарсаларга ҳам эътибор беришса, айни муддао бўларди. Ўйин-кулги, бекорчиликка муккасидан кетган тенгқурларини ҳам жамоат ишларига жалб қилсалар, юриш-туришларидан вақтида огоҳ бўлсалар ҳар хил кўнгилсиз ҳодисаларнинг олди олинган бўлармиди?

Ахир келажаги буюк давлат фарзандлари ҳам руҳан, ҳам жисмонан соғлом, маънавияти юксак инсонлар бўлмоқлари лозим. Ўзлигига, миллий маданиятимизга, мустақил Ўзбекистонимизга муносиб фарзандларни вояга етказиш эса ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

(Ўз мухбиримиз)

Душанба 11

Телетомошабинлар диққатига!
Профилактика муносабати билан душанба, 11 ноябрь куни «Ўзбекистон» телеканали кўрсатувлари соат 15.00 дан бошлаб кўрсатилади.

15.00 «Тахлилнома».
15.45 Ўзбекистон Республикаси ИИВ қоровул қўшинлари намунали оркестрининг концерти.
16.15 «Ошин». Телесериал.
16.45 ТВ клип.
16.55 «Рамазон туҳфаси».
17.15 ТВ анонс.
17.20 «Олтин дала». Пахтакорлар учун дам олиш дастури.
17.55 ТВ маркет.
18.00 Янгиликлар
18.10 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Нукус». Премьера.
18.25 «Мулк».
18.45 «Баҳтли вокеа». Телелотерея.
19.15 Бир жуфт қўшиқ.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Қўшиғимиз Сизга армуғон».
21.30 «Гиёвандлик - аср вабоси».
21.50 2002 йил - Қарияларни қадрлаш йили. «Париси бор уй».
22.10 «Спорт, спорт, спорт».
22.25 «Темур гори». Видеофильм. 1-қисм.
22.55 «Ахборот-дайжест».
23.15-23.20 Ватан тимсоллари.

20.50, 21.25, 22.35 Эълонлар
20.55 «Эсмеральда». Телесериал.
21.30 Қишлоқдаги тенгдошим.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Дайджест.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.10 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол. Танаффус лайтида:
23.55 Дайджест.
1.00-1.05 Хайрли тун!

Биринчи канал 7.30-9.00 Туркия телевидениеси 17.15-17.45

17.45 Кўрсатувлар тартиби.
17.50 «Вести».
18.05 «Евроньюс» янгиликлари.
18.20 «Ҳазил кетидан ҳазил». Ҳажвий кўрсатув.
19.00 «Мени кутгил».
20.00 «Ким миллионер бўлиши истайди?» Телеўйин.
21.00 «Время».
21.40 Кинематограф. «Ой нури» агентлиги». Бадиий фильм.
23.20 «Топ-мюзик».
23.30 «Юлдузлар фабрикаси».
00.00 «Ахборот» (рус тилида)
00.35 «Тунингиз осуда бўлсин!»

16.55 гача профилактика ишлари.

16.55 Дастурнинг очилиши.
17.00 Шоу соати.
17.40, 20.45 «Телехамкор».
18.00 «30-канал» кинооқшоми: «Қил устида». Драма.
19.30 «Ошиқона» мусиқий дастури.
19.45 «Элен кўзлари». Сериал.
21.05 «Клип-совға». Телетабриномa.
21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!».
21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Кобра».
23.15 «30-канал»да спорт.

6.00 Телеканал «Доброе утро»
9.00, 12.00, 15.00, 18.00 Новости
9.15 «Семейные узы». Сериал
10.00 Комедия «Улица полна неожиданностей»
11.10, 15.15, 23.30 «Фабрика звезд»
11.40 Детский сериал «Таинисы»
12.15 Приключенческий фильм «Три мушкетера. Месть Миледи»
14.10 Спецрепортаж. «Водолазы»
14.30 Док.детектив. «Нищая мафия».
15.00 Новости (с субтитрами)
15.45 «Ералаш»
15.55 Фильм «Укротители крокодилов»
17.00 «Большая стирка»
18.20 «Шутка за шуткой».
19.00 Жди меня
20.00 «Кто хочет стать миллионером?»
21.00 Время
21.40 Премьера. Многосерийный фильм «Ледниковый период». 1-я серия
22.45 Кремль-9. «Дворцовые тайны времен Леонида Брежнева». Фильм 1-й
24.00 «Другое время».
00.45 Триллер «Охотницы»
2.10 «На футболе».

4.45 – 7.45 «Доброе утро, Россия!»
7.45 Комедия «Миллион - лобедителю».
9.45, 15.45, 21.55 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.15 ВЕСТИ.
10.20 Ток-шоу «Цена успеха».
11.15 «Вера, надежда, любовь».
12.15 «Экспертиза».
12.30 «Вся Россия».
12.45, 17.20, 19.35 ВЕСТИ-МОСКВА.
13.20 «Что хочет женщина».
14.20 Телефильм «Визит к Минотавру».
16.20 «Диалоги о животных».
17.50 Сериал «Воровка. Счастье напрокат».
18.50 Спокойной ночи, малыши!
19.55 Сериал «Тайга».
20.50 Телесериал «Марш Турецкого-2».
22.25 «Культурная революция».
«Все беды в России от праздников»
23.30 «Синемания».
24.00 «Дорожный патруль».

8.30 «Победоносный голос верующего».
9.00 Мультсериал «Ураганчики».
9.30 Мультсериал «Мумми возвращаются».
10.00 Х/ф «ЕЩЕ ОДНА НОЧЬ».
12.00 Х/ф «СЕЗОНЫ ЛЮБВИ». 1-я серия.
14.30, 20.00 Телесериал «НА КРАЮ ЗЕМЛИ».
15.30 Х/ф «ЧЕРТОВ ПЬЯНИЦА».
17.00 Х/ф «СРЫВАЯ ЗВЕЗДЫ».
19.30 Телесериал «МЭДИСОН».
21.00 Х/ф «КОЛЛЕДЖ».
23.00 Х/ф «ПРОСТЫЕ ДЕВУШКИ».
00.50 Если хочешь быть здоров.
1.00 Неприкосновенный запас. Дебаты о политике и культуре.
1.30 Х/ф «МОНАХИНИ В БЕГАХ».

6.05 – 8.40 УТРО на НТВ
9.00 «РАСТИТЕЛЬНАЯ ЖИЗНЬ»
9.35 «ВЫ БУДЕТЕ СМЕЯТЬСЯ!».
10.00 «СЕГОДНЯ УТРОМ»
10.25 «НАМЕДНИ»
12.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 19.00 «СЕГОДНЯ»
12.05 Боевик «ЛЮБИТЬ ПО РУССКИ-3»
14.05 «ЖЕНСКИЙ ВЗГЛЯД»
14.40 Детектив «ОНА НАПИСАЛА УБИЙСТВО»
15.45 «ПРИНЦИП ДОМИНО»
17.05 Боевик «ПИРАТЫ XX ВЕКА»
19.35, 23.15 Детектив «КРОТ-2»
20.45 Сериал «НА УГЛУ, У ПАТРИАРШИХ-2». 1 серия
22.00 «СЕГОДНЯ ВЕЧЕРОМ»
22.35 Сериал «ТРЕТИЙ ЛИШНИЙ»
00.25 ГОРДОН

6.00 Сериал «ЛЕТО НАШЕЙ ТАЙНЫ».
6.50, 12.05 Мультсериал «Шерезада».
7.15 Мультсериал «Черепашки-ниндзя».
7.40, 12.30 Сериал для подростков «ДИКАЯ КЭТ».
8.05, 18.30 Познавательная программа «Удивительные животные-4».
8.30 «Черная» комедия «НЕПРИДУМАННЫЕ ИСТОРИИ».
9.00 Детективный сериал «МЕСТО ПРЕСТУПЛЕНИЯ: КЕЛЬН».
10.30, 14.45, 3.30 Шоу «О, Счастливчик!»
11.10 Сериал «ПЕРВАЯ ВОЛНА».
13.00 ТВ-клуб.
13.30, 2.40 Сериал «ЛУС-МАРИЯ».
14.30, 23.45 «Наши песни».
15.30, 19.30, 0.45 «Окна».
16.30 Детектив «ИСПАНСКИЙ УЗНИК».
19.00 «Всегда готовы!»
20.30, 1.40 Док.сериал «Путешествия с Национальным Географическим Обществом».
21.30 «Большое кино». «УЗКАЯ ГРАНЬ».
0.00 Развлекательное шоу «Империя страсти».

Профилактика до 20.00.
20.00, 24.00, 2.10 События.
20.15 «Антимония». Интерактивная игра.
20.55 «МОЯ ДОРОГАЯ ИЗАБЕЛЬ». Телесериал (Мексика).
21.40 Будьте здоровы!
21.50 Пять минут деловой Москвы.
22.00 «АВАРИЯ - ДОЧЬ МЕНТА». Худ.фильм.
00.45 Особая папка.
1.20 Времечко.
1.50 Петровка, 38.
2.30 Поэтический театр Романа Виктюка.
3.00 Мир вокруг нас.

8.30 «Шерше ля ФАН».
9.00, 18.35 «Fox Kids» на REN TV: «ПАУЭР РЕЙНДЖЕРС, ИЛИ МОГУЧИЕ РЕЙНДЖЕРЫ». Телесериал.
9.30, 18.05 «Fox Kids» на REN TV: «Джим Баттон». Мультсериал.
10.00, 17.35 «Fox Kids» на REN TV: «Человек-паук». Мультсериал.
10.30 «Большие деньги».
11.30, 15.30, 19.30, 23.30 «24». Информационная программа.
10.50 «Кино»: «ХОРОШИЙ СЫН».
13.45 «1/52». Спортивное обозрение.
13.30 «ЯГО, ТЕМНАЯ СТРАСТЬ». Теленовелла.
15.50 Военная тайна.
16.20, 21.55 «КОБРА». Телесериал.
19.05 «Fox Kids» на REN TV: «Мир Бобби». Мультсериал.
19.50 «Семейные страсти». Ток-шоу.
23.05 «Футурама». Мультсериал.
24.00 «Кино»: «БЫЮЩИЙ БЕЗ ПРОМАХА».
2.20 «Нокаут». Новости бокса.

Сешанба 12

5.30 «Рамазон туҳфаси».
5.50 «Гули». Телефильм.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 - 8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Соз сеҳри».
9.20 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Ёшлик шижоати ҳамнафас байрам». Премьера
9.40 «Портретга чизғилар».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 «Мулк».
10.25 «Икки соҳил». Бадиий фильм.
11.35 «Гиёвандлик - аср вабоси».
11.55, 12.25 ТВ анонс.
12.05 «КиноТеатр».
12.30 «Париси бор уй».
12.50 Эстрада тароналари.
13.15 «Спорт, спорт, спорт».
13.30 «Олам». Телевальманах.
14.10 «Буни умр деврлар».
14.30 «Жиз ва Вустер». Телесериал.
15.20 «Талабалик йилларим».
15.40 ТВ клип.
15.50 «Ватанимга хизмат қиламан».
16.50 ТВ анонс.
16.55 «Рамазон туҳфаси».
«Болалар сайёраси»:
17.15 1. «Олтин тож». 2. «Улағиш погоналари».
18.10 «Барҳамол авлод орзуси».
18.30 «Инсон ва қонун».
18.50 «Олтин мерос».
19.10 «Тафсилот».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Солиқ ва биз».
21.20 «Ўзбекистон» каналида илк маротаба: «Ошин». Телесериал премьераси.
21.50 «Рамазон туҳфаси».
22.10 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар.
22.30 «Олам футболи».
22.50 «Темур гори». Видеофильм. 2-қисм.
23.20 «Ахборот-дайжест».
23.40-23.45 Ватан тимсоллари.

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Давр.
9.15 «Янги авлод» почтаси, «Савол беринг, жавоб берамиз».
9.40 «Покахонтас». Мультсериал. 21-қисм.
10.05 Мусиқий лаҳзалар.
10.15 ТВ-анонс.
10.20 «Эсмеральда». Телесериал.
10.50 Ёшлар овози.
11.10 «Виртуозлар». Ҳужжатли фильм.
12.00 Дайджест.
12.20 Болалар экрани: «Бомбининг ёшлиги».
13.25 Белида белбоғи борлар.
13.45 Интерфутбол.
15.25 «Умрбоқий қўшиқлар». Мусиқий фильм.
15.55 «Қусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал.
16.45 Ҳуқуқ ва бурч.
17.10 Кўрсатувлар дастури.
17.15 «Янги авлод» студияси: «Дунё ва болалар».
17.35 «Покахонтас». Мультсериал. 22-қисм.
18.00 Таъм.
18.20 ТВ-анонс.
18.25 Автопатруль.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Икки.
19.00 Давр.
19.35 Кўҳна оҳанглар.
19.45 Давр-интервью.
20.00 Марди майдон.
20.20 Илдиз ва япроқ.
20.40 Ёшлик наволари.
20.50, 21.25, 22.35 Эълонлар
20.55 «Эсмеральда». Телесериал.
21.30 Ёшлар овози.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.10 «Ёшлар» телеканалида спорт: Нокаут.
23.35 Давр.
23.50 «Ҳақиқат чегараси». Сериал.
00.15 - 00.20 Хайрли тун!

8.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТВда сериал: «23,5 даражали бурчак остида». 11-қисм.
17.45, 19.00, 22.00 «Экспресс» телегазетаси.
18.05 Болажонлар экрани. «Эртак давом этади».
18.06 18.30, 20.00, 21.10, 22.50 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Ҳимоя».
19.20 «Мумтоз наволар».
19.45 «Долларбў мавзу».
20.30 ТТВда сериал. «Азизим Изабелла»
21.30 «Туризм ҳақида».
22.20 «ТВ плюс».
23.15 Кинонигох. «Тепаликдаги уй».
00.35-00.40 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Биринчи канал» 7.30-9.00 Туркия телевидениеси 17.15-17.45

17.45 Кўрсатувлар тартиби.
17.50 «Вести».
18.05 «Евроньюс» янгиликлари.
18.20 Машқурлар. Тамара Глоба.
19.00 «Оилавий ришталар». Сериал.
19.55 «Сўнги қаҳрамон-2».
21.00 «Время».
21.40 В. Меладзе иштирокидаги концерт дастури.
22.45 «Авиация дунёси».
23.05 CFI тақдим этади: «Бешинчи ўлчов».
23.30 «Юлдузлар фабрикаси».
24.00 «Ахборот» (рус тилида)
00.35 «Тунингиз осуда бўлсин!»

9.00 Дастурнинг очилиши.
9.05, 17.40, 20.45 — «Телехамкор».
9.30, 14.10 Болалар соати.
10.15 «Пауэр Рейнжерс ёки кучли рейнжерлар» Сериал.
10.40 «Жанговор санъат олами». Спорт дастури.
11.10 «Сирларимиз ёзи». Телесериал.
12.00 «Байналмилалчи» Жангари фильм.
13.30 «Ғо, зулмат эктироси». Телесериал.
15.00 «Домино принципи».
16.00 «30-канал»да спорт.
16.50 Шоу соати.
18.00 «30-канал» кинооқшоми: «Клеркнинг бошидан кечирганлари».
19.30 «Ошиқона». Мусиқий дастур.
19.45 «Элен кўзлари» (якунловчи).
21.05 «Клип-совға». Телетабриномa.
21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!».
21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Босим остида».
23.15 Рестлинг питалари.

6.00 Телеканал «Доброе утро»
9.00, 12.00, 15.00, 18.00 Новости
9.15, 19.00 «Семейные узы». Сериал
10.20, 22.45 Кремль-9. «Дворцовые тайны времен Леонида Брежнева».
11.05, 15.15, 23.30 «Фабрика звезд»
11.35 Дисней-клуб.
12.15 Детектив «Умереть некогда»
14.00 Жди меня
15.50, 21.40 «Ледниковый период». Сериал.
17.00 «Большая стирка»
18.20 Кумиры. Т. Глоба
19.55 «Последний герой-2».
21.00 Время
24.00 Ночное «Время»
00.20 Телеканал «Новый день». «Искусство делать деньги»
00.50 «Апология» с Дмитрием Дибровым
2.20 Формула власти. Король Норвегии

4.45 - 7.45 «Доброе утро, Россия!»
7.45, 19.55 Сериал «Тайга».
8.40, 20.50 Телесериал «Марш Турецкого-2».
9.45, 15.45, 21.55 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.15 ВЕСТИ.
10.20 Ток-шоу «Цена успеха».
11.15 «Комиссар Рекс». Телесериал.
12.15 «Экспертиза».
12.30 «Колоссальное хозяйство».
12.45, 17.20, 19.35 ВЕСТИ-МОСКВА.
13.20 «Что хочет женщина».
14.20 Телефильм «Визит к Минотавру».
16.20 «Вокруг света».
17.50 Сериал «Воровка. Счастье напрокат».
18.50 Спокойной ночи, малыши!
22.25 ПОСЛЕДНИЙ СЕАНС. ПРЕМЬЕРА. «Убийство в Белом доме».
00.35 «Дорожный патруль».
00.25 КРИМИНАЛ
00.35 Футбол. Лига Чемпионов. «ВАЛЕНСИЯ» /Испания/ - «СПАРТАК» /Россия/. Прямая трансляция
2.35 ГОРДОН

8.30 «Победоносный голос верующего».
9.00 Мультсериал «Ураганчики».
9.30 Мультсериал «Мумми возвращаются».
10.00, 12.00 Х/ф «СЕЗОНЫ ЛЮБВИ».
14.20 Ясновидящая госпожа Люба.
14.30, 20.00 Телесериал «НА КРАЮ ЗЕМЛИ».
15.30 Х/ф «КОЛЛЕДЖ».
17.30 Х/ф «ЕЩЕ ОДНА НОЧЬ».
19.30 Телесериал «МЭДИСОН».
21.00 Х/ф «ГОМЕР И ЭДДИ».
22.55 Новости авторынка.
23.00 Х/ф «МОСКИТЫ».
1.00 Если хочешь быть здоров.
1.10 Встреча с ясновидящей сударыней Анной.
1.20 Лилиана. Энергия добра.
1.30 Х/ф «БЕЗ ИМЕНИ».

6.05 – 8.40 УТРО на НТВ
9.00 «КУЛИНАРНЫЙ ПОЕДИНОК»
10.00 «СЕГОДНЯ УТРОМ»
10.20 «НАЦИОНАЛЬНАЯ БЕЗОПАСНОСТЬ». Расследование НТВ
11.00, 12.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 19.00 «СЕГОДНЯ»
11.05 Сериал «СКОРАЯ ПОМОЩЬ-5»
12.05 Мелодрама «ЕДИНСТВЕННАЯ»
14.05 «ЖЕНСКИЙ ВЗГЛЯД»
14.40 Детектив «ОНА НАПИСАЛА УБИЙСТВО»
15.45 «ПРИНЦИП ДОМИНО»
17.05 Фильм «МЕРСЕДЕС» УХОДИТ ОТ ПОГОНИ»
19.35, 23.15 Детектив «КРОТ-2»
20.45 Сериал «НА УГЛУ, У ПАТРИАРШИХ-2»
22.00 «СЕГОДНЯ ВЕЧЕРОМ»
22.35 Сериал «ТРЕТИЙ ЛИШНИЙ»

6.00 Сериал «ЛЕТО НАШЕЙ ТАЙНЫ».
6.50, 12.05 Мультсериал «Шерезада».
7.15 Мультсериал «Черепашки-ниндзя».
7.40, 12.30 Сериал для подростков «ДИКАЯ КЭТ».
8.05, 18.30 Познавательная программа «Удивительные животные-4».
8.30 «Черная» комедия «НЕПРИДУМАННЫЕ ИСТОРИИ».
9.00 Детективный сериал «МЕСТО ПРЕСТУПЛЕНИЯ: КЕЛЬН».
10.30, 14.45, 3.30 Шоу «О, Счастливчик!»
11.10 Сериал «ПЕРВАЯ ВОЛНА».
13.00 ТВ-клуб.
13.30, 2.40 Сериал «ЛУС-МАРИЯ».
14.30, 23.45 «Наши песни».
15.30, 19.30, 0.45 «Окна».
16.30 «Большое кино». «УЗКАЯ ГРАНЬ».
19.00 Телеигра «Пойми меня».
20.30, 1.40 Сегодняшнее.
21.30 Комедия. «МИМИНО».
0.00 Развлекательное шоу «Империя страсти».

8.00 Канал «Настроение».
10.50 Газетный дождь.
11.05 «ЗАГАДОЧНАЯ ЖЕНЩИНА». Телесериал.
12.00 Сыщики века.
12.30 Мультфильм.
12.40 Войди и свой дом.
12.45 Телемагазин.
13.00, 16.00, 20.00, 24.00, 2.10 События.
13.15 Телеканал «Дата».
14.15 «Момент истины».
15.10, 1.50 Петровка, 38.
15.30 Деловая Москва.
16.15 «ИНСПЕКТОР ДЕРРИК». Криминальный телесериал.
17.20 Как добиться успеха.
17.30 «ДЕТИ СПАСАЮТ ЖИВОТНЫХ». Телесериал.
18.00 Регионы: прямая речь.
18.30 Ток-шоу «Без правил».
19.00 «СРЕДИЗЕМНОЕ МОРЕ». Телесериал.
20.15 Большая музыка.
21.00 «МОЯ ДОРОГАЯ ИЗАБЕЛЬ». Телесериал.
21.50 Пять минут деловой Москвы.
22.00 Лицом к городу.
23.05 «Великая иллюзия».
00.45 Отдел «Х».
1.20 Времечко.
2.30 Серебряный диск.
2.50 «БАРНУМ». Телесериал. 1-я серия.
3.40 «Синий троллейбус».

8.30 «Шерше ля ФАН».
9.00, 18.35 «Fox Kids» на REN TV: «ПАУЭР РЕЙНДЖЕРС, ИЛИ МОГУЧИЕ РЕЙНДЖЕРЫ». Телесериал.
9.30, 18.05 «Fox Kids» на REN TV: «Джим Баттон». Мультсериал.
10.00, 17.35 «Fox Kids» на REN TV: «Человек-паук». Мультсериал.
10.30 «Большие деньги».
11.30, 15.30, 19.30, 23.30 «24». Информационная программа.
11.50 «Кино»: «БЫЮЩИЙ БЕЗ ПРОМАХА».
13.45 Метро.
14.30 «ЯГО, ТЕМНАЯ СТРАСТЬ». Теленовелла.
15.50 Такая профессия.
16.20, 21.55 «КОБРА». Телесериал.
19.05 «Fox Kids» на REN TV: «Мир Бобби». Мультсериал.
19.50 «Семейные страсти». Ток-шоу.
23.05 «Футурама». Мультсериал.
24.00 «Кино»: «РОМЕО + ДЖУЛЬЕТТА».
3.05 Футбольный курьер.
3.35 «Милославские». «МАРКОРД».

Чоршанба 13

5.30 «Рамазон тухфаси».
5.50 «Дўппи». Телефильм.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 - 8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Рангин дунё».
9.15 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Номаълум Қизилқум».
9.40 «Бахтимизга омон бўлинг».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 Алиббо сабоқлари.
10.25 «Отни ким эгарлайди». Бадиий фильм.
11.40 «Инсон ва қонун».
12.05 Болалар учун. «Фламинго».
12.25, 13.55 ТВ анонс.
12.30 «Тафсилот».
12.45 «Ўзбекистон бастакорлари».
13.05 «Баркамол авлод орзуси».
13.25 «Ошин». Телесериал.
14.10 «Остонаси тиллодан».
«Болалар сайёраси»:
14.30 1. «Кулнок шаҳарча». 2. «Ал-Ахли» (БАА) «Пахтакор» марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида - Янгиликлар.
18.20 «Ривож».
18.30 «Умид». Телелотерея.
19.00 Бир хуфт қўшиқ.
19.10 «Мулк».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Юзма-юз».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Ўзбекистон - Ватаним маним».
21.30 «Ўзбекистон» каналида илк маротаба: «Ошин». Телесериал премьераси.
22.00 «Рамазон тухфаси».
22.20 «Спорт, спорт, спорт».
22.35 «Темур гори». Видеофильм. 3-киси.
22.55 «Ахборот -дайжест».
23.15-23.20 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Давр.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Дунё ва болалар».
9.40 «Покахонтас». Мультсериал. 22-киси.
10.05 Давр-интервью.
10.20 Мусиқий лаҳзалар.
10.30 ТВ-анонс.
10.35 «Эсмеральда». Телесериал.
11.05 Таян».
11.25 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.
12.15 Ёшлар овози.
12.35 Болалар экрани: «Петяннинг орзуси». Мультфильм.
12.55 «Ёшлар» телеканалида спорт: Теннис.
13.35 Азизим.
14.00 Кўҳна оҳанглар.
14.15 Автопатруль.
14.35 Илдиз ва япроқ.
14.55 «Кўҳна тоғлар қиссаси». Бадиий фильм.
16.05 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 10 йиллиги олдидан «Озод алим-ойдин йўлимкўрик-танловн: Қорақалпоғистон Республика телерадиокомпанияси тақдим этади.
16.35 Кўрсатувлар дастури.
16.40 «Янги авлод» студияси: «Ок кабутар», «Кичкинтой театри».
17.10 «Покахонтас». Мультсериал. 23-киси.
17.35 ТВ-анонс.
17.40 Чемпион сирлари.
18.10 Ёшлар овози.
18.30 Каталог.
18.40 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иклим.
19.00 Давр.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Сайрат.
20.00 Спорт-лото.
20.10 Очил дастурхон.
20.25 Севги тароналари.
20.45, 21.20, 22.35 Эълонлар
20.50 «Эсмеральда». Телесериал.
21.25 «Бунёдкор» ёшлар телеклуби.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 «Мухаббат қаҳваси». Телесериал.
23.10 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол. Танаффус пайтида:
23.55 Давр.
1.00-1.05 Хайрли тун!

ТВК

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «23.5 даражали бурчак остида». 12-киси.
17.45, 19.10, 21.45 «Экспресс» телегазетаси.
18.05 Болажонлар экрани «Учар кема».
18.30, 20.00, 21.10, 22.05 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Мусиқий мехмонхона».
19.30 «Аёл она, мураббий раҳбар». Телеклуби.
19.50 «Эҳтиром ила».
20.30 ТТВда сериал: «Азизим Изабелла».
21.30 «Эл хизматида».
22.30 Кинонигоҳ. «Интервью».
00.10-00.15 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4TV

«Биринчи канал» 7.30-9.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ 17.15-17.45

17.45 Кўрсатувлар тартиби.
17.50 «Вести».
18.05 «Евроньюс» янгиликлари.
18.20 Е. Петросяннинг «Кулгу панорамаси».
19.00 «Оилавий ришталар». Сериал.
20.00 «Рус рулеткаси». Телеўйин.
21.00 «Время».
21.40 «Нигох».
22.00 «Форт Боярд».
22.45 «Форс-мажор».
23.30 «Юлдузлар фабрикаси».
00.00 «Ахборот» (рус тилида)
00.35 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30 КАНАЛ

9.00 Дастурнинг очилиши.
9.05, 17.40, 20.45 — «Телехамкор».
9.30, 14.10 — Болалар соати.
10.15 «Пауэр Рейнжерс ёки кучли рейнжерлар» Сериал.
10.40 «Яхши кайфият».
11.10 «Сирларимиз ёзи». Телесериал.
12.00 «Байналмилални-2». Жанғари фильм.
13.30 «Яго, зулмат эҳтироси». Телесериал.
15.00 «Домино принципи».
15.00 «30-канал»да спорт.
16.50 Шоу соати.
18.00 «30-канал» кинооқшоми: «Грегори Мулен одамзотга қарши».
19.30 «Ошикона». Мусиқий дастур.
19.45 «Бригада». 1-серия.
21.05 «Клип-совға». Телетабрикнома.
21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!».
21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Ёлғончилик қонунлари остида».
23.15 Спорт дастури.

1

6.00 Телеканал «Доброе утро»
9.00, 12.00, 15.00, 18.00 Новости
9.15, 19.00 «Семейные узы». Сериал
10.05 Кремль-9. «Дворцовые тайны времен Леонида Брежнева».
10.50 «Ералаш»
11.05, 15.15, 23.30 «Фабрика звезд»
11.40 Дисней-клуб.
12.15 Детектив «Синица в руках»
14.00 Телеканал «Новый день». «Море сокровищ»
14.30 Телеканал «Новый день». «Искусство делать деньги»
15.50, 21.40 «Ледниковый период». Сериал
17.00 «Большая стирка»
18.20 Смехопанорама
17.25 «УДИВИТЕЛЬНЫЙ МИР ЖИВОТНЫХ». Телесериал.
18.15 Детектив-шоу.
19.00 «Клуб ворчунов».
20.00 «КОМИССАР НАВАРРО». Телесериал.
22.00 «Момент истины».
23.00 «АНКОР, ЕЩЕ АНКОР!» Худ.фильм.
1.15 Спортивный экспресс.
1.50 Программа «Деликатесы».
2.25 Серебряный диск.

REN TV

9.30 «Дикая планета». Док.-фильм.
10.30 «Fox Kids» на REN TV: «Деннис-непоседа». Мультсериал.
11.00 «Fox Kids» на REN TV: «Флинт - детектив во времени». Мультсериал.
11.25 «Fox Kids» на REN TV: «Хайклиф». Мультсериал.
11.55 «Симпсоны». Мультсериал.
12.50 «ВЕДЬМАК». Телесериал (Польша).
13.55, 23.00 «ТАЙГА». Телесериал.
15.00 Военная тайна.
15.30, 2.50 «24». Информационная программа.
15.50 Лотерея АвтоВАЗа.
16.00 «Кино»: «ДВОЙНИК».
17.40 Мир спорта глазами «Жиллетт».
18.00 Матч Российской футбольной Премьер-лиги «Сатурн-REN TV (Московская область) - «ЦСКА» (Москва).
20.05 «ВОВОЧКА». Комедийный сериал.
20.40 «Кино»: «РУССКИЙ СЧЕТ».
24.00 «Кино»: «ЧЕЛОВЕК ЭПОХИ ВОЗРОЖДЕНИЯ».
3.10 «СЕКРЕТНЫЕ МАТЕРИАЛЫ». Телесериал.
4.10 «Последний холостяк». Ток-шоу.

СПОРТ ЯНГИЛИКЛАРИ

«Олимпия билимлари асослари»

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитасида Ўзбекистон Республикаси Олимпия академиясининг президенти профессор Абдуҳамид Ҳамроқулов, профессорлар Тўлқин Юнусов, Эрнест Шатерников ва бошқа муаллифларнинг қаламига мансуб «Олимпия билимлари асослари» деб номланган ўқув қўлланмасининг тақдимоти бўлиб ўтди.

Тадбирда сўзга чиққанлар ушбу ўқув қўлланмасининг умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар, болалар-ўсмирларнинг спорт ва олий спорт маҳорати мактаблари, Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти ва университетларнинг жисмоний тарбия факультетларида олимпия таълимоти бўйича машғулотлар олиб бориш учун мўлжалланганини таъкидлаб ўтдилар.

Шуни айтиш керакки, 22-бобдан иборат мазкур ўқув қўлланмасидан олимпия ўйинлари тарихи ва ҳозирги куни, жисмоний тарбия ва спорт тизимида олимпия ҳаракати, юртимиз спортчиларининг олимпиадалар ва Осиё ўйинларидаги иштироки, Республика Олимпия шон-шуҳрати музейи, Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортнинг ривожланишидаги янги босқич каби мавзуларда тўла ва қизиқарли маълумотлар ўрин олган. Бир сўз билан айтганда Ўзбекистонда спортнинг ривожланиши, жисмоний, маънавий ва ахлоқий ривожланиш манбаи бўлмиш олимпизм, инсоният тамаддунида ва ҳар бир кишининг ҳаётида замонавий олимпия ҳаракатининг аҳамияти хусусида китобдан батафсил маълумотлар олиш мумкин.

Беш минг нусхада чоп этилган «Олимпия билимлари асослари» қўлланмаси касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ҳамда бошқа таълим муассасаларига тарқатилмоқда.

Учинчи босқич якунланди

Мана олти йилдирки, Тошкент шаҳар автомобиль давлат инспекциясининг ташкилотчилигида автомобиль-ҳалқа пойгалари бўйича Тошкент шаҳар Кубоги деб номланувчи чемпионат мусобақалари ўтказилиб келинмоқда. Ушбу мусобақалар ҳаяжонли ва бетакрор «Формула-1»чалик юқори даражада бўлмаса-да, ҳар ҳолда шаҳримиз автопойгачиларининг маҳорати тобора ўсиб бораётганидан далолат бермоқда.

Шаҳар чемпионатининг навбатдаги учинчи босқичи Тошкент вилояти, Пскент туманидаги «Жанубий» синов автополигонида бўлиб ўтди. Унда «Нексия», «Жигули», «Хонда» каби русумлардаги автопойга машиналарида ўттизга яқин спортчи 52,5 километр масофага пойгада ғалаба учун кураш олиб борди.

Қизғин беллашувлардан сўнг двигатели ҳажми 1600 куб сантиметргача бўлган «А-8» тоифасидаги пойгаларда спорт устаси Мурод Қаюмов («Юнайтед Мотор спорт» клуби) ғолиб чиқди. Кейинги ўринларни Даулет Ўразалиев («Виражи» клуби) ва Игорь Ратанов («Олимп-Нурон-Тайфун» клуби) эгаллади.

Двигателининг ҳажми 2000 куб сантиметргача бўлган «А-9» тоифадаги пойгаларда «Юнайтед мотор спорт» клуби вакили Шерзод Жумаев зафар қучди. «Олимп-Нурон-Тайфун» вакили Мурод Муҳаммадиев ва «Виражи» пойгачиси Александр Селенколар совриндорлар қаторидан ўрин олишди.

«Формула-3» пойга машиналари гуруҳида Асатулла Мадиёров («Олимп-Нурон-Тайфун») барча рақибларини ортда қолдирди. Иккинчи ва учинчи ўринларни ҳам шу клуб вакиллари Сергей Мукурдумов ва Александр Литвиненколар эгаллашди.

Яна икки ҳафтадан сўнг чемпионатнинг тўртинчи босқичи ўтказилади. 1 декабрда эса сўнгги босқичи ташкил этилиб, автомобиль пойгалари бўйича шаҳар чемпиони аниқланади.

(Ўз мухбиримиз)

ҚИЁМАТ ҚАРЗ

(Интермедия)

Мамараим — ўрта ёшларда, оддий кийинган, оддий фуқаро.

Мамарозиқ — ўрта ёшларда, бироз янгича кийинган, бесабрроқ одам.

Автобус бекати. Мамараим хотиржам автобус кутиб турибди. Шошилиб Мамарозиқ киради, у хийла ташвишда, тажанг. Мамараимни кўрмай ўзича қўл силтаб «Э-э!», «И-и!» деган тажангнамо ҳаракатлар қилади, гоҳ у қўлини гоҳ бу қўлини силтайди. Гоҳ автобус келмаяптимикин, деб қарагандай бўлади, гоҳ такси тўхтатмоқчи бўлиб, яна киссасини сийпалаб кўриб, тўхтатган таксисини жўнатиб юборади ва ҳоказо. Мамараим унинг ҳаракатларини ҳайрон бўлиб кузатиб туради.

МАМАРАИМ: (Мамарозиққа синчиклаб қараб) — Мамарозиқмисан?

МАМАРОЗИҚ: (Ҳамон ўз ҳаёли билан банд). — А? Нима?

МАМАРАИМ: — Э, кечирасиз, мен сизни Мамарозиқ дебман...

МАМАРОЗИҚ: — Мен... мен... Мамарозиқман... (Ўзига бироз келиб) — Э, Мамараим, сенмисан, ошнам. (Кўришгани юради).

МАМАРАИМ: (Кўришатуриб): — Бир қарасам — Мамарозиққа ўхшайсан, бир қарасам — бошқами, дебман. Ўзингмисан, ахир?

МАМАРОЗИҚ: — Ҳа, ўзимман, ўзимман... Мамараим.

МАМАРАИМ: — Ҳа, нима бўлди, тинчликми? Сал безовторроқ кўринасан?

МАМАРОЗИҚ: (Уф тортиб) — Э, сен сўрама, мен айтмай Мамараим...

МАМАРАИМ: — Соғлиғинг яхшими, уй ичинг тинчми ишқилиб?

МАМАРОЗИҚ: — Тинчликка тинчлигу...

МАМАРАИМ: — Хўш, хўш?

МАМАРОЗИҚ: — Э, ошнам, сен сўрама, мен айтмай... Бошимга жуда мушкул иш тушиб қолди...

МАМАРАИМ: — Худо сақласин... Нима бўлди? Кейинги пайтларда жуда бошини кўзачага тиқиб олган мушукдай тажанг юрганингдан сезгандай бўлувдим... Нима бўлди?

МАМАРОЗИҚ: — Э, биласан-ку, ҳу Миржалил фасон, ўшанга пул қарз берувдим, бермаяпти...

МАМАРАИМ: — Ҳу, анув, миркуруқ Миржалилгами? Одамини ҳам жуда топиб берган экансан-да... Қанчайди?

МАМАРОЗИҚ: — Беш минг.

МАМАРАИМ: — Ҳаҳ, шунга шунчами?

МАМАРОЗИҚ: — Э, ошнам, сен ўйлаган ўзимизнинг пулда эмас, анувнақа — кўкидан берувдим, кўкидан...

МАМАРАИМ: — И-е, сен унақасини қаердан олувдинг?

МАМАРОЗИҚ: — Билмайсанми, машинамни сотувдим, шуни...

МАМАРАИМ: — Хўш, хўш?...

МАМАРОЗИҚ: — Шуни, бериб тур, сармоя қиламан, бир-икки чет элга бориб ишлатиб, кўпайтириб бераман, деса лаққа тушиб берибман — кўйибман.

МАМАРАИМ: — Э, отаси урмаган қўнғизни, боласи урармиш тўнғизни, деганларидек сенга ким қўйибди судхўрлик қилиб фойдасини олишни?

МАМАРОЗИҚ: — Э, отамнинг ўлишини билсам чакса кепакка сотиб ердим, деган гап бор, қайдан билай унинг муттаҳамлигини...

МАМАРАИМ: — Хўш, энди бермаяптими?

МАМАРОЗИҚ: — Ҳа-да. «У бўлди, бу бўлди», деб баҳона қилгани қилган. Олдин «Эртага кел, бир ҳафтадан кейин кел», деб юрувди, энди бўлса «Пул йўқ, вассалом», деб кўзини ўлган эшакнинг кўзидай лўқ қилиб турибди.

МАМАРАИМ: — Бай-бай, чакки бўлибди-ю, а? Қарз қилиб бориб йиғлаб келади, деб шуни айтар эканлар-да... Хўш, энди нима қилмоқчисан?

МАМАРОЗИҚ: — Судга бераман.

МАМАРАИМ: — Хўш, хўш? Суд нима деяпти?

МАМАРОЗИҚ: — Судья айтдики, қарздор беш олти-йилга кесилиб кетар экан, қарзини эса ўша ёқда ишлаб юриб, ҳар ойда ўн-ўн беш фоиздан тўлаб турар экан.

МАМАРАИМ: — Шунақа дегин?

МАМАРОЗИҚ: — Ҳа, шунақа... Ахир, қиёмат қарз деганларидек бир кун қайтарар-а, Мамараим?!

МАМАРАИМ: — Энди, Мамарозиқ ошнам, мен сенга айтсам бу қарзингни қиёматда олласан!

МАМАРОЗИҚ: — А?! Қиёмат қарз деб шуни айтар эканлар-да...

Мухтор ХУДОЙКУЛОВ

Сўранг, жавоб берамиз

Болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ота-онанинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақида тушунча берсангиз.

М. Икромова

Болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш уларнинг ота-онаси зиммасига юклатилади.

Ота-она ўз болаларининг қонуний вакиллари ҳисобланадилар ҳамда ҳар қандай жисмоний ва юридик шахслар билан бўлган муносабатларда, шу жумладан судда алоҳида ваколатсиз уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қиладилар.

Васийлик ва ҳомийлик органи томонидан ота-она ва болалар манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик борлиги аниқланганда, ота-она ўз болаларининг манфаатларини ҳимоя қилишга ҳақли эмас. Ота-она ва болалар ўртасида келишмовчиликлар мавжуд бўлганда васийлик ва ҳомийлик органи болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун вакил тайинлаши шарт.

* * *

Эр-хотиннинг ўзаро розилиги бўлганда никоҳдан ажралишни қайд этиш қандай амалга оширилади?

Ғ. Баҳромов

Эр-хотиннинг ўзаро розилиги бўлганда никоҳдан ажралишда ариза берувчилар фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органига берган аризаларида ўртада вояга етмаган болалари ва мулкий низолари йўқлигини тасдиқлашлари шарт.

Никоҳдан ажралиш ариза берувчиларнинг яшаш жойидаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органига ариза берилган кундан бошлаб уч ой муддат ўтгач қайд этилади.

* * *

Мен бир ташкилот билан шартнома тузган эдим. Унинг ижросини таъминлаш мақсадида ишнинг ярим пулини, яъни кўрсатилган суммани ярмини гаров ҳисобида бердим. Мажбурият ўша ташкилотнинг айби билан бажарилмади. Айтингчи, мен гаров пулим ва келтирилган зарарни ундириб ола оламанми?

В. Хўжамов

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 312-моддасига мувофиқ мажбурият уни бажаришдан олдин тарафларнинг келишувига мувофиқ ёки бажаришнинг имкони йўқлиги оқибатида (ушбу кодекснинг 349-моддаси) бекор қилинган тақдирда гаров пули қайтариб берилиши керак.

Агар шартноманинг бажарилмаслиги учун гаров пули берган тараф жавобгар бўлса, гаров иккинчи тарафда қолади. Агар шартноманинг бажарилмаслиги учун гаров олган тараф жавобгар бўлса, у иккинчи тарафга гаровни икки баравар қилиб қайтариши шарт.

Бундан ташқари шартноманинг бажарилмаслиги учун жавобгар бўлган тараф, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, гаров пули суммасини ҳисобга олган ҳолда иккинчи тарафга зарарларни тўлаши шарт.

Ҳурматли ҳамшаҳарлар! Ўзингизни қизиқтирган масалалар юзасидан 132-11-39 телефонига кўнғироқ қилсангиз, малакали мутахассислар ёрдамида саволларингизга батафсил жавоб беришга ҳаракат қиламиз.

Виждонига ҳавола

Бу мавзуни кўпдан бери дилга тугиб қўйган эдик. Аслида мақсадимиз шу кун талабига жавоб бера оладиган, зарурият юзасидан келган мижозларга баҳоли қудрат хизмат кўрсатадиган дорихоналар ва уларнинг хушмуомала фармаколог - сотувчилари ҳақида бирон нарса ёзиш эди. Бироқ яқинда шахримизнинг қўша-қўша дорихоналаридан бирида ўзимиз билан содир бўлган бир воқеа фикримизни тубдан ўзгартириб юборди.

Иссиқ жон. Аёлимиз билан бетобланиб касалхонага тушиб қолдик. Даволовчи шифокор кўригидан ўтиб бўлгач у бизга:

— Касалхонамизда баъзи дорилар бор, баъзилари йўқ, — деди-да қўлига қоғоз қалам олиб керакли дори-дармонлар рўйхатини ёза бошлади. — Шуларни олиб келганингиздан кейин муолажани бошлаб юборамиз.

Жон ширин. Яқин атрофдаги дорихонага югурдик. Ичкарига кириб қўлимиздаги рўйхатни икки сотувчидан бирига тутқаздик.

— Ҳаммаси бор, — деди сотувчи рўйхатни бирма-бир кўздан кечириб.

Мушкулимиз осон бўлганидан хурсанд бўлиб минатдорчилик билдирдик. Бир зумда сотувчи барча керакли дори-дармонларни олдимизга тахлаб қўйди. Шу дамда иккинчи сотувчи қўлидаги ҳисоблагичини чақ-қон ишга солди.

— Ҳаммаси 21 минг 100 сўм бўларкан отахон, — деди у бизга ҳисоблагичдаги рақамни кўрсатиб.

— Бироз қимматроқ эмасми? — сўрадик ишонқирамай ундан.

«янглишмаган» бўлишмасинда, — дейман турли хаёлларга бориб. Очиғи ушбу дорихонанинг манзилини кўрсатиб унинг ўша ёш, чаққон сотувчиларини рўйи-рост изза қилгим келмади. Кораламани «Виждонига ҳавола» деб аташимнинг боиси ҳам ана шунда. Қолаверса гап эгасини топади деган нақл бор.

Яхши топиб гапиради

«Яхши топиб, ёмон қопиб гапиради», деганлари бежиз айтилмаган эканда. Яқин танишимнинг бир гапи баҳона бу нақлнинг ҳақлигига яна бир карра ишондим.

Шаҳар айланиб иссиқдан ҳориб-чарчаб уйга қайтаётиб маҳалламиздаги Каримжон тажангни йўлда тасодифан учратиб қолдим. У билан эндигина ҳормабор бўл, қилиб бўлган эдик суҳбатдошим тўсатдан:

— Вой-бў, сизга нима бўлди бобой? — деди менга ғалати тикилиб. — Тобингиз йўқми, рангингиз бир ҳолатда синиқиб, оқариб кетибдику.

Бу сўзни эшитиб ичимдан зил кетдим. Руҳим тушиб, асабларим бўшашди. Чиндан ҳам ўзимда бирдан ғалати ҳорғинлик сезиб ерга ўтириб қолай дедим.

— Ҳа, энди қаричиликда биродар, — дедим унга зўр-базўр жилмайиб, ички ҳолатимни яширган бўлиб.

—Бола-чақа, тирикчилик ўз йўлига. Ёшингиз ўтиб қолди отахон. Энди ётиб дам олинг, — деди у менга гўё куюнгандек бўлиб.

Шунақа «меҳрибончилик» яна давом этса уйга ета олмай кўчада қолиб кетадигандекман. Хайр-маъзурни нася қилиб йўлга тушдим.

Орқамдан Карим тажангнинг овози эшитилди.

ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН.

ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

Шу гапдан кейин бизга хизмат кўрсатаётган сотувчи қайта ҳисоблашга тушди. Рақам ўша-ўша.

Ҳамённи қавлаб, бор пулимизни санадик. Камлик қилди. Мажбуран баъзи дориларни қайтаришимизга тўғри келди. Хуллас шу куни 17 минг 350 сўмлик дори-дармон харид қилиб касалхонага қайтдик. Шифокорлар муолажани бошлаб юборишди.

Одатда бегона жойнинг биринчи куни ва туни зерикарли ўтади. Бекорчиликдан гапдан-гап чиқиб, аёлим келтирган дори-дармонларнинг баҳосини суриштира кетди. Айтдим. Кейин у қайта ҳисоб-китобга тушиб кетди.

— Яхши. Ҳамма харажатингиз 21 минг 100 сўм бўлибди. Кейин сиз уларга 5,5 минг сўмлик дориларни қайтариб берибсиз. Шунақами? Демак улар сиздан 14 минг 600 сўм олишлари керак эди. Қаранг отаси, сизни 2 минг 750 сўмга алдашибди, — деб қолди.

Бу гапдан ғалати бўлиб кетдим. Ўғри бўл, инсофли бўл, деган гап бор бизда. Тавба, қўлида ҳисоблагич бўла туриб шунча пулга янглишибди, десам сотувчи тугул, ҳисоблагичга ҳам ишонмаган бўламан. Шундай хаёлга бордиму, барибир ўзимга ўзим тасалли бердим. Ҳар қалай янглишган. Бўлмаса шунчаликка бормас, — дедим ўзимга ўзим.

Орадан уч кун ўтиб келтирган дори-дармонларимнинг кети узила бошлади. Янгитдан харид қилиш учун атайлаб ўша дорихонага бордим. хайрият, йигитлар мени танишди.

— Келинг, отахон, хизмат? — дейишди улар саломлашганимиздан сўнг. Бор гапни ётиги билан тушунтирдим.

— Бўлиши мумкин эмас, — дейишди йигитлар бараварига. Кейин ҳисоблагични ишга солишди. — Барибир бунақа бўлмайди. Бу ерда қандайдир тушунмовчилик бор. Қани бизга ўша олган дориларингизнинг рўйхатини кўрсатингизчи?

Афсуски, рўйхатни ташлаб юборган эканман. Тўғри гапдан эса йигитлар тонишди.

—Биз билмасак сиз қанча дори харид қилганингизни, — деб туриб олишди.

Бир чеккаси айб ўзимда ҳам бор. Ўша куни шошилиб, уларнинг айтганига ишониб кетаверган эканман. Шуни ўйлаб тортишиб ўтирмадим. Ҳақиқатни уларнинг виждонига ҳавола қилдим. Бошқа дори-дармонларни олиб хонани тарк этдим.

Йўлда бораётиб ўзимча ишқилиб бу сафар ҳисобдан

— Менга қаранг, агар мазангиз қочаётган бўлса айтинг, уйингизга олиб бориб қўяй.

Унинг ғамхўрлиги дард устига чипқон бўлди. Наҳот биров сезгудек бетоб бўлсаму, ўзим билмай шаҳар кезиб юрсам, — дейман ўзимга ўзим.

Уйга қайтишим билан одатимга зид равишда диванга чўзилдим.

— Ҳа, нима бўлди чол, жа оёқ-қўлингизни узатиб олибсиз, — замзама қилди кампирим. — Чой дамлаб берайми?

— Бундай ўтирчи, — дедим унга ёнимдан жой бўшатиб.

— Тинчликми ўзи?

—Менга қара. Кўзимга астойдил тикил-чи, касалга ўхшайманми?

— Нима жин урди сизни бинойидек одам. Биров сизни касалсан дедими? Туппа-тузук юра туриб нега бирдан ўзингиздан гумонсираб қолдингиз?

Унинг гапидан танамга илиқлик югургандек бўлди. Ўрнимдан туриб ўтирдим. Кампиримга бор гапни айтиб бердим.

— Ҳа, ўша танишингизнинг кўзи қурсин. Биров нима деса шунга ишонаверасизми? Эшитмаганмисиз отаси, «биров топиб гапиради, биров қопиб» деганларини.

Гапга гап йўл топади. Қаранг, шу тогда бир бемор дўстим айтиб берган воқеа хаёлимни чулғади. У шифохонага қаттиқ оғриқ билан тушиб қолибди. Уни қабул қилган жарроҳ ширин сўз билан тезда дардга қарши даво чорасини излаб беморда оғриқни қолдирибди. Шунда дўстим шифокорга раҳмат айтиб хурсанд бўлиб кетганидан унинг қўлига бироз чой пули тутқазмоқни ният қилган экан, жарроҳ ундан астойдил хафа бўлибди.

— Пулингизни чўнтагингизга солиб қўйинг. Уни бола-чақангизнинг кам-кўстига ишлатинг. Мен шифокорман. Ўз бурчимни бажардим, — дебди.

— Ўша шифокорни ҳеч унута олмайман, — дейди дўстим фахр билан. — Қачон қаерда яхши сўз эшитсам, беихтиёр ўша ширинзабон шифокор кўз олдимга келади.

Чиндан ҳам ёмон сўз дилни хаста, ширин сўз хушнуд этади. Шундай экан, ҳар қандай дардга малҳам бўлувчи ширин сўзимизни бир-биримиздан дариғ тутмайлик азизлар.

«02»: ҲОДИСАЛАР

◆ Уйига меҳмонга келган танишларининг аслида қандай мақсадни кўзлаганлигидан мутлақо бехабар қолган хонадон соҳибаси кўзларига ёш олганича, дарҳол милицияга сим қоқди. Шайхонтоҳур тумани ИИБ ходимларидан иборат тезкор гуруҳ вакиллари зудлик билан воқеа жойида ҳозир бўлишиб, айбдорларни топишга киришдилар. Аниқланишича, Жарариқ кўчасидаги 2-уйга, фуқаро Я. Умаровнинг хонадонига ташриф буюриб, ўз қалтис режаларини амалга оширмоқликни кўзлаган Белтепа кўчасида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган Х. Дилором ва Замахшарий кўчасида истиқомат қилувчи Т. Зарифлар уй эгасини қўрқитиб, унга енгил тан жароҳати етказганлар ва 100.000 сўм пули, бир дона тилла зираги ҳамда олти блок «PINE» сигареталарини тортиб олиб, қочиб кетганлар. Ҳозирда ушбу талончилар қўлга олинган бўлиб, улар устидан тергов ҳаракатлари давом этмоқда.

◆ Ҳаётда баъзи пайтларда кишилар ўртасида қизиққонлик ёки яна бирон-бир сабабларга кўра келиб чиққан тортишувлар оқибати муштлашиш билан ниҳоясига етади. Аммо бу каби ҳолатларда бир қориндан талашиб тушган жигарлар жанжаллашувининг бир-бирига қўл кўтариш билан тугаганлиги тўғрисида эшитган ҳар бир одам тааҳжубланмасдан қолмайди. Яқинда, Миробод тумани, Норхўжаев кўчасида яшовчи, бирон жойда ишламайдиган ва ўқимайдиган Н. Содиқ исмли фуқаро спиртли ичимликка тўйиб олганлиги сабабли безорилик қилиб, ўз акаси К. Нурматовни уриб, унга тан жароҳати етказади. Соғлиғини йўқотган ака укасини бунчалик ҳурматсизликка боради деб асло ўйламаган эди.

◆ «Фарзандимиз олий даргоҳда илм олаяпти» деб, ич-ичидан мағрурланиб юрган ота-онасининг юзини ерга қаратиб қўйган шахримиздаги институтлардан бирининг талабаси, Қорасарой кўчасида истиқомат қилувчи С. Ўткир ва Шифокорлар шаҳарчасида яшовчи унинг шериги Н. Жавлоновлар бугунги кунда ўйламасдан босган қадамларидан қаттиқ пушаймонда. Милиция ходимлари томонидан қилмишлари фош этилган бу ўғрилар, Чилонзор туманида истиқомат қилувчи фуқаро А. Ҳакимовага тегишли «ВАЗ-21011» русумли автоулов ичидан бир дона «Айва» русумли автомагнитола ва эҳтиёт гилдирагини ўмариб кетганликларига иқрор бўлганларича, ерга термулиб қолдилар.

◆ Юнусобод тумани, 11-мавзе, 4-уй, 12-хонадонда истиқомат қилувчи фуқаро Р. Шерматова уйида йўқлигида хонадонида номаълум шахслар томонидан ўғирлик содир этилиб, нархи 300 минг сўм турадиган 2 дона гиламлари йўқолганлиги тўғрисида милицияга хабар қилди. Воқеа жойига етиб келган тезкор гуруҳ ходимларининг саъй-ҳаракатлари натижасида ўғрининг Феруза кўчасида яшовчи, муқаддам ҳам судланган бўлсада, аммо ҳамон бирон жойда ҳалол меҳнат қилиб кун кечиришни хоҳламайдиган Г. Андрей эканлиги аниқланди. Ҳозирда ушбу жиноятчи ўйламай қилган ножўя ҳаракатидан афсус-надомат чекмоқда.

◆ Бектемир тумани ҳудудида жойлашган «Қўйлиқ» улгуржи бозори олдида номаълум шахслар томонидан Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, Пахтазор кичик тумани, 32-уйда истиқомат қилувчи фуқаро К. Саидовга тегишли «ВАЗ-21063» русумли автоуловининг эшикларини калит танлаш йўли билан очиб, ичидан 1.298.000 сўм пуллари ва турмуш ўртоғи Н. Раҳмонованинг фуқаролик паспортини ўмариб кетишганлиги ҳақида туман ИИБ навбатчилик қисмига хабар тушди. Ушбу воқеа юзасидан шошилинч тадбир ишлаб чиқилиб, қисқа фурсатлар оралиғида жиноятчилар далилий ашёлар билан қўлга олинди. Улар иккови ҳам бирон жойда ишлашни ўзларига эп билмайдиган Наманган вилоятининг Косонсой туманида яшовчи П. Мирпўлат ва унинг ҳамтовоғи шу туманда истиқомат қилувчи И. Моҳирлар бўлиб чиқди.

◆ Ички ишлар идоралари ходимларининг кескин тарзда олиб бораётган саъй-ҳаракатлари натижасида, фирибгарликни ўзларига касб қилиб олиб, бунинг ортидан текин даромад орттиришни кўзлаган айрим кимсаларнинг фаолиятига чек қўйилмоқда. Жумладан, Ҳамза тумани, Янгилик кўчасида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган К. Анвар исмли шахснинг ҳам яқинда Жангтоҳ кўчасида истиқомат қилувчи фуқаро Б. Йўлдошевни «Уй олиб бераман» деб алдаб, унинг 2.850 АҚШ доллари олиб қочиб юрганлиги фош этилди.

◆ Чилонзор тумани ИИБ ходимлари томонидан қўлга олинган, Хоразм вилоятининг Шовот туманилик Д. Мадамин исмли фирибгар ҳам ҳозирда ўз қилмиши учун қонун олдида тегишли жавоб бермоқда. Унинг Чилонзор туманининг 17-мавзесида истиқомат қилувчи фуқаро У. Мақсудхўжаевани «Чет элга ишга юбораман» деб ишончини қозониб, унинг 900 АҚШ доллари миқдоридаги пулларини олганича, қорасини кўрсатмасдан қочиб юрганлигига нуқта қўйилди.

Самариддин ХАЛИЛОВ,
Тошкент шаҳар ИИББ Матбуот маркази нозири.

Шарқ дурдоналари

Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

● Бошига бирор оғирлик тушган, турмушдан қийналган вақтда бошқаларнинг ёрдам беришини истаган кишига айтинг, соғ-саломат бўлиб, роҳат ва фароғатда умр кечириб турган вақтида ҳеч кимдан ёрдамини аямасин, яхшилик қилишга ғайрат қилсин.

● Ҳар ким бирор нарсани маккорлик, хийла ва ҳушомадгўйлик билан қўлга киргизишни истаса, мақсади ҳосил бўлмайди, маболо ҳосил бўлса, тезда сири очилиб шарманда бўлади.

● Илм билан амал — лафз ва маъно жиҳатидан бир-бирига мулозим ва мувофиқдир, чунки илмдан мақсад — амалдир.

БАЙТ:

Илм, Навоий, сенга мақсуд бил,
Эмдики илм ўлди амал айлагил.

● Ҳиндистонлик бир донишманд ўз ўғлига насиҳат қилиб айтади:

— Азиз ўғлим, қўлингга кирмаган, ёки қўлингдан кетган нарса учун қайғурма. Ҳар ерда қуракда турмайдиган бехуда сўзлар сўзлаб юришдан ўйроқ бўл. Нокас, қурумсоқ кишидан қарздор бўлма, у билан асло муомала қилма, кейин пушаймон қиласан. Шарм, хаёсиз ва баҳил киши билан суҳбатдош бўлма, шундай ярамас одамларга қўшни бўлмасликка ҳаракат қил. Уз кучинг орқасида нон топиб егил, текинхўрликка ўрганма, оliжаноб, мард одамлар билан суҳбатдош бўлсанг, яхшилик билан ном чиқарасан. Мақтанчоқ ва ҳазма одамлардан ҳазар қил.

БАЙТ:

Ким тилин ғийбат қилишдан сақлади,
Ул ўзин офат, балодан асради.

● Ҳусайн воиз Кошифий айтади:

— Бир олим, фозил одам турмушдан анча қийналиб қолди. Бир баҳил бойнинг ҳузурига бориб:

— Сиз муҳтож кишиларга ёрдам қилиш учун молу дунёингиздан бир қисмини ажратганингизни эшитдим. Мен ёрдамга муҳтож одамман, шунинг учун ёрдам сўраб ҳузурингизга келдим, — деган эди, баҳил бой ёрдам бермасликка баҳона қидириб:

— Мен фақат кўр одамларга ёрдам қилмоқчиман, — деди. Олим ундан юз ўгириб қайтиб кетаётиб, айтди:

— Сиз янглишасиз, мен ҳақиқий кўр одамман. Агар ҳақиқий кўр бўлмасам эди, сиздек баҳил кишидан ёрдам сўраб келмасдим.

Баҳил бой айтган гапига пушаймон қилиб, бир хизматчиси орқали олимга пул юборди, олим қабул қилмади.

БАЙТ:

Кишиким йўқ эрур меҳру вафоси,
Агар хуршид эрур андин не ҳосил?

● Шайх Саъдий айтади:

— Бир қанча улуғ одамлар билан бирга кемада кетар эдик. Орқамиздан келаётган қайиқ ғарқ бўлди. Унинг ичида ўтирган икки ака-ука сув гирдобига тушдилар. Кемамизда бўлган улуғлардан бири кемачига:

— У икки ака-укани қутқаз, хизматинг учун сенга юз олтин бераман, — деди.

Кемачи улардан бирини қутқазгунча иккинчиси ҳалок бўлди. Мен ҳалок бўлган одамга ачиниб:

— У бечораниг умри тугаган экан, уни қутқазиш учун кечикиб ҳаракат қилдинг, аммо иккинчисининг умри боқий бўлгани учун аввал уни қутқазишга ошикдинг — деган эдим, кемачи қулиб айтди:

— Айтганингиз тўғри, лекин мен аввал буни қутқазишга ошикдим, кўнглим шунга майл этди, чунки бир вақт мен чўлда кета туриб жуда чарчаб қолган эдим, бу мени туясига миндириб олди, чўлда қолиб кетишдан қутқазди. Ҳалок бўлган кишидан эса ёшлигимда таёқ еган эдим. Ҳар ким яхшилик қилса ҳам, ёмонлик қилса ҳам ўзига қайтади.

БАЙТ:

Гар кўлингдан келса, ҳаргиз кимсани
ранжитмагил,
Яхши иш, яхши ҳунардан ҳеч қачон
айрилмагил.

● Вафоли ва муҳаббатида ихлосли дўст топиш — энг оғир ишдир, чунки одамларнинг ташқи ҳоллари ички сирларини яширади.

Дўст танлаш учун энг муҳим маслаҳатлар:

— биров билан дўст бўлишни истасангиз, унинг дўстларини текширинг. Агар уларнинг феъл-атвор, одоб-тарбияларини яхши текшириб билсангиз, унинг ҳам феъл-атворини англайсиз, чунки ҳар ким ўзига муносиб киши билан дўст бўлади;

— унинг юриш-туришига диққат қилинг, ахлоқини ўрганинг;

— у билан муомала қилувчилардан унинг муомаласини сўранг, ундан рози ёки норози эканликларини, унга ишонган ёки ишонмаганликларини биласиз;

— унинг кўринишига, ташқи қиёфасига алданманг, чунки ичи қора бўлиши мумкин;

— бошқаларни ғийбат қилувчи, уларнинг сирларини сўзловчи билан дўст бўлманг;

— ёмон йўлга бошловчи киши билан дўст бўлишдан ҳазар қилинг.

● Дўстнинг васли кўрар кўзларга роҳат беради, чунки ошиқ маъшуқага яқин бўлмаса роҳат топмайди ва шод бўлмайди.

● Агар дўстим кўп бўлсин десанг, ҳеч кимга душманлик қилма, ўзингга ортиқ оро берма, мақтанма ва ўзингни бировдан ортиқ санама!

● Дўстлараро яхшироқ ҳар вақт ҳамдамларни ўз шафқати соясида тутар ва қарам эшигини улар юзига очиб қўяр, тилакларини ва ҳожатларини юзага чиқарар.

● Оқил киши донога, олижаноб, ростгўй ва хушхўйга дўст бўлур, хиёнаткор ва фосиқдан қочар.

● Дўст кишини бир йилда ҳам топиш осон эмас, аммо уни бир лаҳзада йўқотиб қўйиш мумкин.

Байт:

Икки лаб бир бўлса, ҳаттоки нафас,
Улар орасидан осон ўтолмас.
Кўздек бир-бирингга бўлма тескари,
Лаблардек иттифоқ бўлгил аскари.

ДОНИШМАНДЛАР ХАЗИНАСИДАН

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

* * *

Фуқаролардан бири амир Алининг олдига келиб:

— Ё амир, исломда манъ қилинган нарсалар кўп. Мен ана шу гуноҳ ишларнинг ҳаммасидан бирданига халос бўлолмаяпман. Бинобарин, яхши фазилатлардан бирини ўргатгин, токи гуноҳ қилмоқдан халос бўлай, — деди.

— Ёлғон сўзлашдан ўзингни сақлагин! — деб буюрди амир Али.

Киши Алининг ҳузуридан чиқиб, ўз йўлига кетди. Йўл устида майхона бор эди. Унинг дилида шароб ичишга майл туғилди ва шароб ичмоқчи бўлди. Яна ўз-ўзига: «Агар амир мандан «Шароб ичдингми?», деб сўраса, мен «ҳа» деб жавоб берсам, у ҳолда мени

Муҳаммад Авфий
Жавомеъ ул-ҳикоёт

худо уради. Агар «йўқ» деб жавоб берсам, алҳол ёлғон гапирмайман деб аҳду паймон қилганман», деди-да, шароб ичмоқнинг бахридан кечди.

Шунингдек, йўлда бир хотинни учратиб, шахвоний ҳирси қўзғаб, зино қилмоқ ҳаракатига тушди. Бироқ аввалгидек қилган аҳду паймони эсига тушиб, бу маишатдан ҳам воз кечди.

Натижада, қайси бир гуноҳ ишнинг устидан чиқса, эсига ёлғон гапирмаслик ҳақидаги қилган аҳду паймони тушиб, ўзини тўхтатиб қоларди. Шундан сўнг у киши амир Алининг олдига келиб:

— Ё амир, менга барча тўғри йўлларни кўрсатдинг. Барча ёмонликларнинг бошланиши ёлғон гапиришдан вужудга келишини энди тушундим, — деди.

Шу кундан бошлаб барча ёмон ишларнинг баҳридан кечди.

* * *

Амир Хорунаррашиднинг Мансур исмли бир хизматкори бор эди. У хизматкорлар ичида энг эътимодлиси эди.

Кунлардан бир кун Мансур саройда Хорунаррашиднинг ҳузурида румлик қул билан румий тилида сўзлашиб турган эди. Хорунаррашид Мансурдан сўраб қолди:

— Сен румий тилини биласанми?

— Яхши биламан...

— Кимдан ўргангансан?

— Менинг онам ва доям румлик эдилар, ўшалардан ўрганганман ва энг нозик иборалариғача тўлиқ биламан, — деб жавоб берди Мансур.

Хорунаррашид унга тасанно ўқиди.

Бир кун амир Мансурга деди:

— Менинг сенга айтадиган муҳим сўзим бор. Лекин бу сирни оғзингдан чиқара кўрма. Сен бугун азон вақтида уйқудан туриб, ўзингни карликка сол ва «бугун бурнимдан икки қатра сув оқиб, қулоғим гиппа кар бўлиб қолди», деб овоза қил. Токи халойиқ сени кар бўлиб қолганингга ишонсин. Ана шундан сўнг мен сенга яна бир сирни айтаман.

Шундан сўнг, Мансур ўзини кар бўлиб қолганлигини овоза қилди. Бутун Бағдод халқи Мансурнинг кар бўлиб қолганини эшитди.

Кунлардан бир кун амир Хорунаррашид хилватда ўтириб, Мансурдан секин сўради:

— Анави ишни қандай бажармоқчисан?

Мансур гап нима устида кетаётганини тушунолмай:

— Қайси ишни? — деб сўради. Хорунаррашид қулиб:

— Ҳали карликка янада яхшироқ ўрганишинг лозим, — деди. Бу сўздан Мансур ўзига келди. Шундан сўнг бир ой давомида амир Мансурдан уч марта сўз сўради. Аммо учинчи сўроққа ҳам Мансур индамади. Шундан сўнг, Хорунаррашид деди:

— Мана энди карликка ўрганибсан. Сени Рум подшосининг ҳузурига элчи қилиб жўнатмоқчиман. Ҳушёр бўлишинг керак. Менинг мақсадим шуки, сен ўзингни кар қилиб кўрсатсанг. Улар нима ҳақида сўзлашганларини билиб олсанг. Шоҳ қандай сўз айтмасин, гўё сен ўзингни эшитмаганга солсанг, иккинчи марта айтганда ҳам эшитмасликка сол, токи яна такрорласин, шундан сўнг, ўз жавобингни унга маълум қил! Сенга нимаики ҳадя қилсалар қабул қилмагин. Ўша ҳадя қилган нарсаларининг номи ёки нусхаси бизнинг ерларда топиладиган бўлса, сен уларга «бу нарсалар бизда кўп», деб жавоб бер.

Арконн давлат аъёнларининг барчасига турли-туман ҳадялар бергин. Уларга мушк, уд ва анбардан кўпроқ бер. Чунки улар атирга жуда ҳам ўчдирлар.

Мансур сафар анжомини ҳозирлаб Рум мамлакатига жўнади. Мансур Қустантанияга етиб, шаҳарга киргач, Рум подшоси ўз хосларидан бир нечасини Мансурнинг истиқболига чиқарди. Мансурни иззат-икром билан шаҳарга олиб кирдилар. Мансур Рум подшосининг ҳузурига киргач, подшо унга савол бера бошлади. Бироқ Мансур жавоб бермасди. Улар Мансурдан:

— Сенга нима бўлди, нима учун жавоб бермайсан? — деб сўрадилар.

— Йўлда келаётиб, бир неча кун касал бўлдим. Касалдан тузалгач, кар бўлиб қолгандим. Бинобарин, қулоғим оғирдир, — деб жавоб берди.

— Бу бахтсизликдир, — деди Рум подшоси.

Шундан сўнг, подшоҳ таржимонга деди:

— Нимаики гапирсанг қоғозга ёзиб кўрсат. Ушбу қоғозни ўқиб жавоб берсин.

Арконн давлатига эса, — агар бирор сўз айтмоқчи бўлсангиз зинҳор баланд овоз билан гапира кўрманг. Токи гапирган гапингизни эшитмасин. Қани кўрайликчи, яна қандай ҳийлалар кўрсатаркин, — деди.

Шундан сўнг, аъёнлар ўз совға-саломини Мансурнинг олдига олиб бориб, унга иньом қилмоқчи бўлдилар. Аммо Мансур барча совғаларни камситиб, «бундан бизда кўп», «бу нарса бизларда аллақачонлар ишлатилмайдиган бўлиб қолган», деб қабул қилмади. Мансурнинг мақсади нима эканлиги Рум шоҳига маълум бўлди. Рум шоҳи индамади ва ҳеч нарса иньом қилмади. Шу билан биринчи қабул маросими тугади.

Кейинги учрашувларда барча музокара ва мунозаралар тугалланиб, элчининг қайтиш вақти яқинлашди. Элчини Рум шоҳининг ҳузурига келтирдилар. Рум шоҳи элчини ажойиб манзарали бир қасрда кутиб олди. Қаср ниҳоятда гўзал услубда қурилган бўлиб, қаср томини фақат битта устун кўтариб турарди. Қасрнинг тўртта эшиги бўлиб, деворлари ва саҳни зумраддан ишланган эди. Қасрнинг шарқий ва ғарбий қисмида биттадан иккита дарича бўлиб, қуёш чиққанда шарқий деразадан, қуёш ботаётганда эса ғарбий деразадан шуъла сочиб, қаср ичи зумрад рангига чўмарди. Қаср ичига кирган киши ўзини афсонавий бир дунёга келиб қолгандек ҳис қиларди.

(Давоми бор).

Турғун ФАЙЗИЕВ тайёрлаган.

БЎШ ВАҚТИНГИЗДА

Бошқотирма



Ёйлар бўйича: 1. Пойтахтимиздаги туман. 2. Умрибоқий дарахт. 3. Очқич. 4. Вафодорлик. 5. Ҳашарот. 6. Йиртқич қуш. 7. Мукаммал луғат нашри. 8. Сомса тури. 9. Сабот, чидам. 10. Дурадгорлик асбоби. 11. Ширинлик тури. 12. Газ модда. 13. Бразилиялик тўпурар футболчи. 14. Ташқи кўриниш, бўй-баст. 15. Қирғоқ. 16. Гўзаллик. 17. Ёшлар жамғармаси. 18. Сўз устаси. 19. Довюрак, жасур инсон. 20. Ғазалнавис, Ўзбекистон халқ шоири. 21. Чирой, гўзаллик. 22. Камёб, чопқир жонивор. 23. Электрод. 24. Атоқли ўзбек генерали. 25. Ой ҳаракати даврига хос йил ҳисоби. 26. «Суюқ» металл. 27. Фасл. 28. Бухоро амирлигининг сўнгги ҳукмдори. 29. Бароқ думли ўрмон жонивори. 30. Маҳсулот сақланадиган бино. 31. Ўзбек халқ рақс куйи. 32. Электромагнит тўлқинларини тарқатиш ёки қабул қилиш қурилмаси. 33. Рус авиаконструктори. 34. Институт факультети раҳбари. 35. Нефть маҳсулоти. 36. Денгиз йиртқичи. 37. Металл бўлакларини улаш. 38. Тўшама жиҳоз. 39. Автомобиль «юраги». 40. Қовун сайилларида ўтказиладиган кўрик.

Муаммонома

Шакл марказидаги рақамларда ўзбек халқ ҳикматли сўзларидан бири яширинган. Уни куйида таърифланиб рақамларда ифодаланган очқич сўзлари асосида билиб олинг.

1. Ҳашаматли, гўзал бино — 1, 2, 3 , 4.
2. Ип газлама тури — 7, 6, 5.
3. Вақт ўлчови бирлиги — 9, 8, 10.

Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ

Газетанинг шу йил 1 ноябрь сонида берилган «С» ҳарфли бошқотирманинг жавоблари:

Ёйлар бўйича: 1. Садоқат. 2. Сайил. 3. Саман. 4. Саратон. 5. Самарий. 6. Садаф. 7. Силос. 8. Содиқов. 9. Солидол. 10. Сифон. 11. Солиқ. 12. Саломон. 13. Соколов. 14. Соҳил. 15. Старт. 16. Силикат. 17. Сиртлон. 18. Сидра. 19. Сахро. 20. Саппоро. 21. Сарафан. 22. Спорт. 23. Сатин. 24. Сумалак. 25. Суматра. 26. Сахий. 27. Содиқ. 28. Савағич.

Муаммонома

Очқич сўзлар: 1. «Самария». 2. Сабзи. 3. Сайқал. 4. Садо. 5. Қуш.

Ҳикмат: Сабрли одам узоқ яшайди.

Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39, факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилди. 453Н нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.